

СПОРТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Гаффоров Нодир Насриевич

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Ўзбек ва чет тиллари кафедраси мудири, филология фанлари

доктори, доцент

Жаҳон тилшунослигида терминларни тартибга солиш масаласи ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган ва бугун ҳам бу масала ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Айниқса, сўнги йилларда когнитив терминология янги тадқиқот йўналиши сифатида шаклланиб улгурди. Когнитив терминология, бир томондан, анъаналарни давом эттирса, иккинчи томондан, илмий билимнинг замонавий босқичига хос хусусиятларга эга бўлади. Шунинг учун когнитив йўналишнинг хусусиятларини терминологиянинг олдинги босқичлари билан солиштирганда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Спорт терминлари энг қадимги ва барқарор терминологик қатламлардан бири. У от сўз туркумининг салмоқли қисмини ташкил этади. Спорт – шахснинг жисмоний қобилиятларини ривожлантиради. Соҳа мутахассислари биринчи навбатда спорт ўйинлари, мусобақа қоидаларини яратади, турли ўқув машқларини ишлаб чиқади саломатликни тиклаш учун инсон танасининг имкониятларини аниқлайди.

Ҳар бир мамлакатни дунёга танилишида катта ҳисса қўшувчи спорт мусобақалари орқали тил ҳам ривожланмоқда. Биргина, миллий курашнинг халқаро спорт тури сифатида тан олинishi ва ўзбек тилида спорт атамаларининг дунёга оммалашishi мазкур соҳада илмий тадқиқот олиб боришни тақозо қилади. Ўзбек тилшунослиги ҳам ўзининг янги босқичида “лисоншуносликдан нутқшуносликка” йўналишида “тил ва жамият”, “тил ва маданият”, “тил ва шахс”, “миллий тил ва миллий тафаккур” каби субстанциал асосларда ҳал қилинувчи муаммолар билан шуғуланишга киришди.

Ўзбек тилидаги спорт терминларининг социопрагматик, семантик ва лексикографик структурасини тадқиқ қилиш хусусан, тилни жаҳон миқёсида ташувчиси сифатида намоён қилувчи спорт терминларини лисоний ва лексикографик нуқтаи назардан ўрганиш тил ва мулоқот структураси тадқиқи муаммоси кучайган бир шароитда ўта долзарб ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида спорт терминологияси масалалари бўйича бир қатор олимлар жумладан, М.Аднан, Р.Вайнз, Е.Гуреева, М.Мешч, П.Вайт, З.Мурзоев Ю.Шоломицкий, Р.Исмоилов, М.Норкин, Х.Рафиев, М.Бобоёров, З.Абдуллаева, Д.Лотте, Г.Винокур, А.Реформатский, Е.Поливанов, Ж.Бўронов, Р.Дониёровлар

томонидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилганлигига қарамай, ўз ечимини топмаган масалалар ҳам мавжуд.

Тилшунослигида М.Бобоёров соҳа терминологимиз ўзбек тили ички имкониятлари ҳамда ташқи омиллар асосида ривожланиш жараёнларини ёритган бўлса, З.Абдуллаева терминлар тараққиётига тарихий – ижтимоий омилларнинг таъсири масаласини тадқиқ этган. Х.Саримсоқов ўзбек ва инглиз тилларида спорт терминлари ҳамда неологизмларнинг шаклланиш тарихи, ясалиш (лексик – семантик, деривацион ва б.) усуллари, фразеологик бирликларнинг терминологик хоссалари каби масалаларни чоғиштирма аспектда ўрганган. Бироқ ўзбек тилидаги спорт терминлари социопрагматик ва лексикографик аспекти, терминларнинг қўлланилиши, тараққиёти, мавжуд умумий ва соҳавий луғатларда берилиши монографик ўрганилган эмас.

Замонавий терминология соҳасида атамаларни белгилашда нафақат сўз ёки ибораларни, балки жумлаларни ҳам ишлатиш мумкин. Термин-жумлалар махсус ҳарбий, денгиз, спорт тилларида қўлланилади ва буйруқ-семантик йўналишнинг кичик гуруҳлари билан ифодаланади. Умумий қабул қилинган контекстда атама сифатида фақат сўз ва ибора ишлатилади. Шунингдек, гап грамматик категория сифатида синтаксисда сўз ва иборага қарама -қарши туради. Бу атама нутқдаги номинативлик, барқарорлик ва такрорланувчанлик хусусиятларига мос келиши керак.

Спорт терминларини лисоний жиҳатдан тадқиқ этиш қуйидаги йўналишлардаги муҳим масалаларга аниқлаш киритишни тақозо этади:

- спорт терминларнинг социопрагматик хусусиятларини ўрганиш;
- спорт терминларнинг семантик структурасини баҳолаш ва когнитив структурасини аниқлаш;
- спорт терминларнинг когнитив мақоми ва таснифини ишлаб чиқиш;
- соҳада ўз ва ўзлашма қатламга доир терминларнинг қўлланилиш частотасини аниқлаш;
- спорт терминологиясида, замонавий электрон ўқув луғатлар тизими яратишнинг лисоний асосларини ишлаб чиқиш.

Спорт терминлари таҳлилида атамаларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ўз ва ўзлашма қатлам, ибора сўз ва фразеологик бирликлар ўртасидаги тафовутлар, спорт терминларининг бадий адабиёт, ўқув луғатлари ва босма нашрларда ифодаланиши, бевосита спорт атамаларининг изоҳли ва ўқув луғатларини тузиш муаммоларини ҳал этиш луғатшунослар олдида турган долзарб масалага айланган. Замонавий спортнинг шиддат билан ривожланиши спорт терминологиясининг янгиланиб бориши ва такомилени талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда спортнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. –132 б.;
2. Бобоёров М. Ҳ. Мустақиллик даври спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. –Самарқанд, 2009. –132 б.
3. Исмоилов Р., Норкин М. Ўзбекча ва ўзбекча спорт-физкультура терминлари изоҳли луғати. – Тошкент, 1961. –95 б.;
4. РафиевХ.Т. Некоторые вопросы преподавания физической культуры в Узбекских школах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Тошкент, –1972. –125 б.;
5. Худойберганова Д. Мустақиллик даврида спортга доир лексемалар тараққиёти//Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий-амалий анжуман (ижтимоий фанлар). –Бухоро, 2017. –124 б.
6. Шоломицкий Ю. С. Физическая культура и спорт в советской Средней Азии и сопредельных странах востока. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Москва, –1972. –125 с.